

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● http://xs.uz ● E-mail: Info@xs.uz ● 2013 йил 21 ноябрь, № 228 (5902) Пайшанба


# ҚУЁШ ЭНЕРГИЯСИ

«Ўзбекистон — муқобил энергетика соҳасида улкан салоҳиятга эга», дейишмоқда халқаро форум иштирокчилари.




*Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан 20 — 23 ноябрь кунлари бўлиб ўтадиган Осиё қуёш энергияси форумининг 6-йиғилишига мамлакатимиз мезбонлик қилмоқда. Унда кўплаб хорижлик экспертлар, мутахассислар, олимлар, юртимизда фаолият кўрсатаётган хорижлик дипломатлар қатнашади.*

*Форум дастурига кўра, меҳмонларни юртимизда қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш бўйича олиб борилаётган ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар, уларнинг амалий самаралари ҳақида яқиндан хабардор қилиш, ўзаро тажриба алмашиш режалаштирилган. Айни пайтда улар диёримизнинг диққатга сазовор масканлари — жойлардаги замонавий ва тарихий меъморчилик дурдоналари, осориатиқалар, намунавий лойиҳалар асосида барпо этилаётган замонавий уй-жойлар билан таништирилмоқда.*

Чунончи, мазкур тадбир иштирокчилари кеча Тошкент вилоятининг Паркент туманида жойлашган Фанлар академияси "Физика-Қуёш" илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси Материалшунослик институтига ташриф буюрдилар. Улар ушбу муассасанинг тарихи, бугунги фаолияти ҳамда истиқболдаги вазифалари ҳақида атрофлича маълумот олдилар.

— Республикамизда қайта тикланувчи энергия манбалари изчил ривожланиб бораяпти, — дейди мазкур муассаса директори ўринбосари Шавкат Файзиев. — Президентимизнинг 2013 йил 1 мартдаги "Муқобил энергия манбаларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони бу борадаги саъй-ҳаракатлар ва ислоҳотларни янги босқичга олиб чиқишда мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Айтиш жоизки, институтда замон талаблари асосида тадқиқотлар олиб борилаётир. Мужассамлаштирилган қуёш нурларининг моддалар билан таъсири, оловбардош материалларни синтез қилиш жараёнларини ўрганиш йўналишлари шулар жумласидандир. Айни пайтда маҳаллий хом ашё ва саноат чиқиндилари негизида мустаҳкам керамик материаллар олиш устида изланишлар давом эттирилмоқда. Бундай маҳсулотлар тиббиёт, нефть, газ, енгил ва электротехника саноати учун зарур буюмлар ишлаб чиқариш технологияларини яратишда қўл келади.

Бундан ташқари, офтоб нурлари таъсирида янги техника қисмлари, конструкцияларни импульс ва узлуксиз режимда синовдан ўтказиш, йирик ҳамда кичик энергетик қурилмалар яратиш ва Катта Қуёш қурилмаси функционал имкониятларини кенгайтиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилаяпти.

Иштирокчиларга бу ердаги Катта Қуёш қурилмаси ҳақида муфассал маълумот тақдим этилди.

— Ҳозирги кунга келиб, бир қатор амалий ишланмаларимиз ҳаётга татбиқ қилинди, — дейди Фанлар академияси "Физика-Қуёш" илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси Материалшунослик институти бош технологи Раҳмонбой Пирмонов. — Масалан, илк бор юқори ҳароратда суюқ эриш зонасида янги материаллар олинди. Шунингдек, қийин эрувчи материаллар хоссаларини ўлчаш имконини берувчи илғор усул ҳамда нанокукунлар олиш, синтезлаштиришнинг янги технологиялари ишлаб чиқилди. Булар нафақат илм-фан тараққиётида, балки ишлаб чиқаришнинг турли тармоқларида қўлланилмоқда.

Юқори кучланишли электротехник чинни таркиби ишлаб чиқилгани, электротехника саноати учун зарур бўлган қатор русумлардаги сақлагичлар корпуслари, керамик масса асосида электр дазмоллари учун колодкалар тайёрланаётгани бунинг тасдиғидир. Қолаверса, турли қувватлардаги қуёш қурилмалари, нефть маҳсулотларини сақлаш ҳамда уларнинг буғланиб кетишини камайтиришда ишлатиладиган чинни понтонлар, табиий газни ёт бирикмалардан тозаловчи керамик фильтрлар ва шарлар, қурилиш материаллари, пигментлар, тиббиёт соҳаси учун инфрақизил нурлатгичлар, жарроҳлик ҳамда стоматологик анжомларни стерилизация қилувчи



тежамкор ускуналар яратилди. Буларнинг барчаси иқтисодиёт тармоқларига инновацион ва муқобил ҳамда илғор технологияларни кенг жорий этишда айни муддаодир.

— Ўзбекистонга иккинчи бор келишим, — дейди **Германиянинг "Pretherm Solutions" компанияси бош менежери Томас Меттин**. — Шу йил апрель ойида юксак даражада ташкил этилган "Замонавий уй-жой қурилиши — қишлоқ жойларини комплекс ривожлантириш ва қиёфасини ўзгартириш ҳамда аҳоли ҳаётининг сифатини яхшилаш омили" мавзуидаги халқаро конференция ишида қатнашиб, юртингизнинг барқарор ижтимоий-иқтисодий тараққиёти ҳақида яқиндан тасаввурга эга бўлгандим.

**(Давоми 2-бетда).**

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

*Шу кунларда республикамизнинг барча ҳудудларида фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловлари юксак демократик тамойиллар асосида уюшқоқлик билан ўтказилмоқда.*

# Муносиб номзодлар сайланмоқда

Хусусан, **Сирдарё вилоятида** бўлиб ўтаётган сайловларда фуқароларнинг ҳар қачонгидан фаоллиги, Ватан тараққиёти ҳамда маҳалла ривожига дахлдорлик туйғуси яққол акс этмоқда. Бугунгача вилоятда мавжуд 352 та фуқаролар йиғинининг 92 тасида ушбу муҳим ижтимоий-сиёсий тадбирлар юқори ташкилий-ҳуқуқий савияда ўтказилди. Яна бир муҳим жиҳат шундаки, фуқаролар йиғинлари раислигига кўрсатилган номзодлар сони вилоят бўйича ўртача 3 нафарга тўғри келмоқда.

— Маҳалламиз кундан-кунга обод бўлиб бормоқда, — дейди Сардоба туманидаги Бирлашган маҳалласи фаоли О. Омонов. — Бу фаолларнинг аҳоли билан баҳамжиҳат иш кўраётганининг самараси, албатта. Маҳалламизда ўтказилган сайлов мисолида бунга яна бир бор амин бўлдик. Сайловолди жараёнларида аҳолига ушбу тадбирнинг янги таҳрирдаги "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида белгиланган ташкилий-ҳуқуқий асослари ҳақида атрофлича маълумотлар берилгани айни муддао бўлди. Сардоба иқтисодий-ижтимоий касб-ҳунар коллежи биноси сайлов ўтказиладиган жой сифатида белгиланиб, зарур воситалар, ахборот ва адабиётлар билан таъминланди, умуман, бу ерда барча қулайликлар яратилди. Сайловда ўзим яшаётган кўчадан вакил сифатида қатнашдим ҳамда менга ишонч билдирганларнинг хоҳиш-иродасини амалга оширдим.

**(Давоми 2-бетда).**

# БОЛАЛАР МАНФААТИ — ДОИМИЙ ҲИМОЯДА

*Пойтахтимизда БМТнинг Болалар жамғармаси — ЮНИСЕФнинг «Дунё болаларининг аҳволи — 2013» глобал ҳисоботи тақдимоти бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси болалар ижтимоий мослашуви маркази билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда тегишли давлат, жамоат, халқаро ташкилотлар вакиллари, журналистлар иштирок этди.*

2013 ЙИЛ — ОБОД ТУРМУШ ЙИЛИ

БМТнинг Болалар жамғармаси — ЮНИСЕФ томонидан ҳар йили анъанавий равишда ишлаб чиқиладиган, дунёда болаларнинг аҳволига оид глобал ҳисоботнинг мавзуси бу йил имконияти чекланган болаларни жамиятга интеграциялаш масалаларига бағишланди.

Ҳисоботда қайд этилишича, бугунги кунда сайёрамизда 93 миллион нафар ногирон бола ҳаёт кечирмоқда. Уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини, манфаатларини муҳофазалаш, таълим-тарбия бериш, саломатлигини яхшилашга кўмаклашиш жаҳон ҳамжамияти олдида турган долзарб вазифалардандир.

Тадбирда ЮНИСЕФнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси раҳбари Р. Фудерич, Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази директори В. Алимова, Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Ф. Абдураҳимова ва бошқалар Ўзбекистонда ўсиб келаётган ёш авлодни ҳар томонлама етук, баркамол инсонлар этиб вояга етказиш, болалар саломатлигини асраш ва манфаатларини муҳофаза қилиш Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг устувор йўналишларидан эканини таъкидлади.

**(Давоми 2-бетда).**

## Қисқа сатрларда

● Пойтахтимизда мамлакатимиз электр техникаси тармоғини янада ривожлантиришга бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ва "Ўзэлтехсаноат" уюшмаси томонидан ташкил этилган мазкур тадбирда тегишли вазирлик ва идоралар, тармоқ корхоналари, ихтисослаштирилган олий ўқув юртлари вакиллари қатнашди.

**● Урганч шаҳрида "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Хоразм вилояти кенгаши ҳамда қатор давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида Конституция кунига бағишлаб "Юрт равнақи — менинг келажагим" шиори остида тантанали тадбир ташкил этилди. Унда фаол ва ташаббускор талаба-ёшлар вилоят ҳокимлигининг эсдалик совғалари ҳамда фахрий ёрлиқлари билан тақдирланди.**

● Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси ва Халқ таълими вазирлиги томонидан болалар иштирокидаги йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олишга бағишланган матбуот анжумани ўтказилиб, унда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашда аҳоли, айниқса, болаларга йўлларда хавфсиз ҳаракатланиш қоидаларини ўргатиш муаммони ҳал этишнинг самарали усулларидан бири эканлиги таъкидланди.

**● Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Германия Халқаро ҳамкорлик жамияти ва Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий бошқармаси томонидан асал байрами ўтказилди. Тадбир доирасида "Асаларичилик асослари: асаларини кўпайтириш ва парваришлаш, асалари касалликлари ва зараркунандалари" мавзуида семинар-тренинг ҳамда "Нукус деҳқон бозори"да савдо ярмаркаси ташкил этилиб, фаол иштирокчиларга махсус диплом ҳамда эсдалик совғалари топширилди.**

● Гулистон туманида бўлиб ўтган "Тадбиркорлик — обод ҳаёт пойдевори" мавзуидаги семинарда иштирокчиларга кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кўрсатилаётган банк хизматлари самарадорлигини ошириш, аёллар ўртасида тадбиркорликни кенгайтириш, ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш юзасидан мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли чора-тадбирлар ҳақида маълумот берилди.

**● "Тадбиркор аёл — 2013" кўрик-танловининг Тошкент шаҳар босқичи якунланди. Ижодий кўрикда Шайхонтоҳур туманидаги "Biolife kosmetiks" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Саидабиби Ҳасанова ғолиб деб топилиб, танловнинг мамлакат босқичига йўлланма олди.**

**«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.**

# Одил судловнинг муҳим омили

*Юристлар малакасини ошириш марказида Ўзбекистонда суд-экспертлик фаолиятининг бугунги ҳолати ва уни ривожлантириш истиқболларига бағишланган халқаро илмий-амалий анжуман ўтказилди. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан Германия халқаро ҳуқуқий ҳамкорлик жамғармаси (IRZ) ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда ҳуқуқ-тартибот органлари мутахассислари, шунингдек, Германия, Россия, Украина, Озарбайжон давлатларининг суд экспертиза соҳаси вакиллари иштирок этди.*

АНЖУМАН

Анжуманда Ўзбекистонда сўнгги йилларда суд экспертизаси тизими жадал суръатлар билан ривожланиб бораётгани эътироф этилди. Мамлакатимизда суд экспертизасининг барқарор ривожланиши, экспертлик тадқиқотларининг жаҳон стандартларига мос келадиган замонавий илмий даражада ўтказилиши учун зарур шарт-шароитлар яратилган.

Тадбирда сўзга чиққанлар суд-экспертлик фаолияти ва вазифалари, одил судловни таъминлашда экспертизанинг ўрни, суд экспертиза соҳасининг замонавий турлари ва усуллари ҳақида сўз юритишди.

— Жиноятларни очиш, тергов, суд ишларининг холислигини таъминлашда экспертиза хулосаси муҳим аҳамиятга эга, — дейди Адлия вазирлиги ҳузуридаги Х. Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси марказининг етакчи эксперти Ёқубжон Рустемов. — Эксперт хулосаси жаҳон экспертиза хизматлари амалиётида қўлланилаётган эксперт текшируви усулларига мос тарзда тузилаётганини алоҳида қайд этиш жоиз. Чунончи, Республика суд экспертизаси маркази ташкил қилинган дастлабки йилларда бу ерда қарийб 4 мингга яқин экспертиза ўтказилган бўлса, ҳозирги кунга келиб, мазкур кўрсаткич 24 мингдан зиёдни ташкил этмоқда. Албатта, бунда етакчи давлатлар мутахассислари билан фикрлашиш, ўзаро тажриба алмашиш қўл келаётир.

Анжуманда суд экспертизаси амалиётини такомиллаштириш, соҳа бўйича халқаро ҳамкорликни янада кенгайтиришга қаратилган бир қатор тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Зиёда АШУРОВА.**

# Матбуотимиз ютуқлари ва янги имкониятлар

Пойтахтимиздаги "Ўзэкспомарказ" мажмуасида "Ўзбекистон матбуоти" III Миллий кўргазмаси ўз ишини бошлади.



*Тадбир Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, Вазирлар Маҳкамаси, Ташқи ишлар вазирлиги, Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси, Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ҳамда бошқа қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда ташкил этилди.*

КЎРГАЗМА

Кўргазманинг очилишида таъкидланганидек, Президентимиз раҳнамолигида мустақиллик йилларида ижтимоий-иқтисодий тармоқлар билан бирга, оммавий ахборот воситалари, матбаа, нашриёт соҳаларини жадал ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борадаги ишларни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқишда давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилаётир.

Ҳуқуқий асосларнинг мустаҳкамланаётгани, ислоҳотлар изчил олиб борилаётгани ахборот соҳасини янада либераллаштириш, мамлакатимизда демократик жараёнларни чуқурлаштириш, аҳолининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, сўз эркинлигини, оммавий ахборот воситаларининг жадал тараққий этишини таъминламоқда.

**(Давоми 2-бетда).**



ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИ

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда “Почта алоқаси тўғрисида”ги Қонуннинг Жиззах ва Хоразм вилоятларидаги ижроси кўриб чиқилди.*

# Қонун ижроси муҳокама этилди

Тадбирда қуйи палата депутатлари, Жиззах ва Хоразм вилоятлари ҳокимликлари, Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси, “Ўзбекистон почтаси” ва “Матбуот тарқатувчи” ОАЖ, бошқа тегишли вазирлик ва идоралар мутасадди раҳбарлари, мутахассислар ҳамда фуқаролик жамияти институтлари вакиллари иштирок этди.

Таъкидланганидек, истиқлол йилларида почта алоқаси тизимида мустаҳкам ҳуқуқий-ташкилий асослар яратилди. Тизимнинг моддий-техник базасини модернизациялаш, унга замонавий ахборот-коммуникация ва компьютер технологияларини самарали татбиқ этиш, хизматларнинг янги турларини жорий этиб, кўламини кенгайтириш ва ривожлантириш борасида бир қатор ишлар амалга ошириб келинаётир. Пировардида мамлакатимиздаги почта алоқаси давр талаблари уйғунлигида янада равнақ топаяпти. Анъанавий почта, курьерлик жўнатмалари, пул маблағларининг почта ўтказмаларини жўнатиш ва етказиб бериш билан бир қаторда электрон почта, гибрид почта, электрон почта маркаси, товарларни почта орқали етказиб бериш, пластик карточкалардан фойдаланган ҳолда молиявий тўловлар бўйича операциялар, электрон пул жўнатмалари каби янги хизмат турлари кўрсатиб келинаётгани бунинг тасдиғидир.

Муҳокамаларда кун тартибидаги масала юзасидан Жиззах ва Хоразм вилоятлари ҳокимликлари, Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси, “Ўзбекистон почтаси” очиқ акциядорлик жамияти раҳбарлари ахборотлари эшитилди. Қайд этилганидек, улар томонидан “Почта алоқаси тўғрисида”ги Қонун ижросини таъминлаш бўйича муайян ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, ҳар икки вилоятда ҳам почта алоқаси шохобчаларини замонавийлаштириш, бунда АКТ салоҳиятидан унумли фойдаланиш, унинг ахборотлаштириш ва автоматлаштириш даражасини ошириш, хизматлар портфелини кўпайтириш юзасидан аниқ дастурлар қабул қилиниб, кенг қамровли чора-тадбирлар рўёбга чиқарилаётир.

Шунингдек, почта алоқаси тармоқлари ва хизматларини янада тараққий топтириш мақсадида оператор ҳамда провайдерлар фаолиятини мувофиқлаштириш, почта ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш, кўрсатилаётган хизматлар сифати устидан давлат назоратини амалга ошириш, фойдаланувчилар ҳуқуқи ва қонуний манфаатларини ҳимоялаш борасида ижобий натижаларга эришилди. Ўз навбатида, электрон пул жўнатмалари, коммунал хизматлар учун тўловларни қабул қилиш, почта жўнатмаларини қайд этиш каби интерфаол хизматлар амалиётда ҳам ўз инъикосини топмоқда.

Тадбирда Жиззах ва Хоразм вилоятларида бу борада қилинаётган ишлар аниқ мисоллар асосида кўрсатиб ўтилди. Масалан, ҳар икки ҳудудда гибрид пул ўтказмалари тизими ишлаб келаяпти. Унинг қулайлиги шундаки, мижоздан олинган пул жўнатмаси почта алоқаси бўлимидан шаҳар (туман) почта алоқаси тармоқларига анъанавий тарзда, кейин электрон пул ўтказмаларининг автоматлаштирилган тизими орқали (ЭПЎ) етказилади. Шундай қилиб, жараён янада тезлашади. Айнан шу тизим орқали ЭПЎ ҳажми 2013 йилнинг 9 ойи мобайнида ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан Хоразм вилоятида 3, Жиззах вилоятида эса 1,2 баробар ўсган.

Мазкур вилоятларнинг почта алоқаси корхоналарида интернет орқали электрон обунани амалга оширишни ўзида мужассамлаштирган “Даврий нашрлар тарқатилишини ҳисобга олиш ва назорат этиш автоматлаштирилган тизими”ни ишлаб чиқиш бўйича тадбирлар давом этмоқда. Айни чоғда почта ва курьерлик жўнатмалари хавфсизлигини таъминлаш мақсадида қўлланилаётган видеокузатиш ва бошқа электрон назорат қилиш тизимлари техник имкониятлари кенгайтирилаяпти.

Йиғилишда ютуқлар эътироф этилган ҳолда, соҳада мавжуд хато ва камчиликлар ҳақида ҳам сўз борди.

Якунда кўрилган масалалар юзасидан қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

**Қобил ХИДИРОВ.**

# ҚУЁШ ЭНЕРГИЯСИ

## «Ўзбекистон — муқобил энергетика соҳасида улкан салоҳиятга эга», дейишмоқда халқаро форум иштирокчилари.

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ана шундай имконият яна бир бор яратиб берилганидан жудаям хурсандман. Айниқса, “Физика-Қуёш” илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси Материалшунослик институти фаолияти менда катта таассурот қолдирди. Мутахассис сифатида шуни ишонч билан айта оламанки, юртингиз муқобил энергетикани кенг тараққий топтиришда ниҳоятда катта имкониятларга эга. Давлатингиз раҳбари томонидан мазкур масалага алоҳида эътибор қаратилаётгани, бунинг учун махсус Фармон қабул қилинганидан хабарим бор. Бу эса жабҳа равнақи учун қўшимча қулайликлар яратади, албатта.

Бежиз эмас бу. Чунки муқобил энергия манбалари келажак тараққиётини белгилаб берувчи энг асосий омиллар қаторидан тобора мустаҳкам ўрин олмоқда.

— Бугун нефть, газ, кўмир каби анъанавий энергия манбалари захираларидан фойдаланиш ҳажми тобора ортиб бораяпти, — дейди **Хитойнинг “Баодинг Тианвеи Баибиан Электрик” компанияси вице-президенти Жанг Ционг**. — Боз устига, ушбу ресурслар чекланган. Мутахассисларнинг аниқлашича, нефть ва газ захиралари 45 — 75 йилдан сўнг тугаши мумкин экан. Шуларни инобатга олсак, ноанъанавий энергия манбаларини ривожлантириш, уни ҳаётимизга янада кенг олиб киришни даврнинг ўзи тақозо этади. Қуёш, шамол каби муқобил манбалар нафақат чекланмаганлиги, балки экологияга зарарсизлиги билан ҳам ажралиб туради. Мамлакатингизда йилнинг 300 кундан зиёди қуёшли ўтар экан. Демак, юртингизда бундай салоҳият ниҳоятда улкан.

Компаниямиз турли ҳажмдаги қуёш панеллари ва станциялари ишлаб чиқариш, қайта тикланувчи энергетика бўйича консультациялар бериш каби йўналишларга ихтисослаштирилган. Ниятимиз, Ўзбекистон билан мазкур жабҳада ҳамкорликни йўлга қўйиб, уни жадал ривожлантиришдан иборат.

Шу куни меҳмонлар Тошкент вилоятида қад ростлаган намунавий уй-жой массивлари, у ерда мавжуд шароитларни бориб кўришди, тўкин дастурхон устида хонадон соҳиблари билан суҳбат қуришди.



Маълумот ўрнида айтиш лозимки, қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида якка тартибдаги уй-жойларни қуриш дастурига мувофиқ, жорий йилнинг тўққиз ойида қиймати 1,2 триллион сўм ҳажмдаги инвестициялар ўзлаштирилди, 5,5 мингта уй фойдаланишга топширилди. Республика бўйича 8,4 миллион квадрат метр (ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 15,1 фоиз кўп), шу жумладан, қишлоқ жойларда 6,3 миллион квадрат метр уй-жой (ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 15,2 фоиз зиёд) фойдаланишга топширилди.

— Давлатимиз томонидан яратиб берилган имтиёзлардан фойдаланиб, мана шундай кўркам туражойга эга бўлдик, — дейди Юқори Чирчиқ туманидаги “Истиқлол” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги ана шундай уй бекаларидан бири Гулинисо Эргашева. — Иссиқ сув дейсизми, совуқ сувми, маиший сервис хизматлари дейсизми, ҳаммаси муҳайё. Шундоққина яқинимизда мактабгача таълим муассасаси, мактаб, касб-ҳунар коллежи жойлашган. Бу фарзандларимиздан кўнглимиз хотиржам бўлиши, уларнинг ҳар томонлама баркамол шахс сифатида вояга етишида айни муддаодир. Хуллас, бундай масканда оиламиз билан кайфиятимиз чоғ, фаровон ва обод ҳаёт кечираяпмиз.



— Мана шундай бетакрор табиатга эга, меҳмондўст ва самимий халқи бор юртда меҳмон бўлиб турганимдан жуда хурсандман, — дейди **Латвия Фанлар академиясининг физика-энергетика институти энергия ресурслари лабораторияси мудири, профессор Петерис Шипковс**. — Тўғриси, таассуротларим бир олам. Айниқса, шаҳару қишлоқларингизда аҳолининг сифатли ҳаёт кечириши учун кўрсатилаётган ғамхўрликлар таҳсинга лойиқ. Бу тараққиётнинг “ўзбек модели” самаралари эканлиги, шубҳасиз. Замонавий уйлар ҳамда моддий-техник базаси мустаҳкам инфратузилма объектларини ўзида уйғунлаштирган массивлар сони йилдан-йилга кўпайиб бораётгани диққатга сазовор.

Алоҳида таъкидлашни истардимки, Ўзбекистон кўплаб нуфузли тадбирлар қатори Осиё қуёш энергияси форумининг 6-йиғилишига ҳам юқори савияда мезбонлик қилиши, шубҳасиз. Мазкур тадбир соҳа мутахассисларининг ўзаро тажриба ва фикр алмашиши, энг сўнгги янгиликлар ҳамда тадқиқотлардан яқиндан хабардор бўлиши, кўп томонлама ҳамкорликларда янги уфқларни очишда катта аҳамият касб этади. Шунингдек, долзарб мавзуларда маърузалар тингланади. Бизнинг институт узоқ йиллардан бери офтоб нурларидан биноларни иситиш ҳамда электр энергияси сифатида фойдаланишнинг илмий-назарий асосларини ўрганиб, илғор усуллар ва қурилмалар яратиш устида иш олиб боради. Бинобарин, ушбу анжуман барча иштирокчилар қатори биз учун ҳам жуда фойдали ўтишига ишонаман.

— Ўзбекистон — серқуёш ўлка, — дейди **АҚШнинг Атроф-муҳитни ўрганиш институти директори, профессор Майкл Эдельштейн**. — Юртингиздаги қайта тикланувчи энергия манбалари миқдори 51 миллиард тонна нефть эквивалентига тенг экан. Бундай шароитда, айниқса, қуёш энергиясини ижтимоий-иқтисодий соҳаларда кенг ва унумли қўллаш, уни одамлар ҳаётини янада фаровонлаштиришга сафарбар этиш давр талабидир. Шу жиҳатдан қараганда, бу каби саъй-ҳаракатлар ўз вақтида изчил амалга оширилаётгани эътиборга лойиқ. Мазкур йирик форумга мезбонлик бу борадаги навбатдаги улкан қадам, десам, айни ҳақиқатдир.

**Саиджон МАХСУМОВ,**
**Ҳасан ПАЙДОЕВ (суратлар),**
**«Халқ сўзи» мухбирлари.**

# Матбуотимиз ютуқлари ва янги имкониятлар

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Бугун матбуот, телевидение ва радиоканалларнинг интернет тармоғидан жой олиши учун кенг имкониятлар мавжуд. Бу эса барча соҳалардаги туб ўзгаришларнинг очиқлигини таъминлашда алоҳида аҳамият касб этаётир.

Давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 30 декабрдаги “Оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш учун қўшимча солиқ имтиёзлари ва афзалликлар бериш тўғрисида”ги қарори оммавий ахборот воситалари, матбаа, нашриёт корхоналари ва матбуот тарқатувчи ташкилотлари фаолиятини замон талаблари даражасида ривожлантириш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, шу орқали уларнинг жамият ҳаётидаги иштирокини янада кучайтиришда салмоқли роль ўйнамоқда. Жумладан, масс-медиа тизимига илғор ахборот-коммуникация технологиялари, инновациялар, демократик бозор механизмлари кенг жорий этилди, бу борада қатор имтиёзлар ва қулайликлар яратилди. Кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизими тубдан такомиллаштирилди. Пировардида кейинги йилларда оммавий ахборот воситаларининг сони сезиларли даражада кўпайди. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан тақдим этилган маълумотда келтирилишича, 2013 йилнинг 1 ноябрь ҳолатига кўра, республикамизда фаолият юритаётган оммавий ахборот воситалари сони 1377 тани ташкил этмоқда.

“Ўзбекистон матбуоти” III Миллий кўргазмасида қатор босма даврий нашрлар ва нашриётлар, электрон оммавий ахборот воситалари ўз фаолиятига оид маълумотлар ҳамда маҳсулотларини кенг намойиш қилмоқда. Шунингдек, тадбир доирасида ноширларимиз томонидан чоп этилган икки юздан зиёд янги номдаги китоблар тақдимоти ҳам ўтказилади.

Бундан ташқари, мазкур кўргазмада олтмишдан зиёд маҳаллий ҳамда АҚШ, Буюк Британия, Жанубий Корея, Хитой, Япония, Германия каби ўндан ортиқ давлатлар компаниялари ҳам матбаа ускуналари экспонатлари ва маҳсулотлари билан қатнашмоқда.

— Истиқлол йилларида мамлакатимизда матбаачилик тараққиётнинг янги босқичига чиқди, — дейди “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти бўлим бошлиғи Мейлижон Садиров. — Мазкур кўргазмада мунтазам қатнашиб келамиз. Мутахассис сифатида унинг соҳа ривожида аҳамиятини жуда катта, деб ҳисоблайман. Чунки оммавий ахборот воситалари ва матбаачиликдаги энг сўнгги янгиликлардан хабардор бўлиш, ўзаро тажриба алмашишда бу тадбир қулай имконият яратмоқда. Муассасамиз энциклопедик нашрларни чоп этишга ихтисослаштирилган мамлакатимиздаги ягона нашриёт ҳисобланади. Кейинги йилларда чоп этилган ўн икки томлик “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”, беш томдан иборат “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” ҳамда “Болалар энциклопедияси”, “Тарбия энциклопедияси”, “Тошкент энциклопедияси”, “ХХ аср ўзбек шеърияти антологияси”, “ХХ аср ўзбек ҳикояси антологияси” каби нашрларимиз кенг омма эътиборини қозонди. Бундан ташқари, Президентимизнинг “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, бошланғич синф ўқувчиларига мўлжалланган қизиқарли эртакларни ўзбек ва хорижий тилларда чоп этишни йўлга қўйдик.



Айтиш жоизки, тадбир давомида Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ёзувчилар уюшмаси, Фанлар академияси ва бошқа қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда “Адабиётга эътибор — маънавиятга, келажакка эътибор” шиори остида “Жамиятнинг маънавий-маърифий тараққиётида китобнинг ўрни” мавзуида илмий-амалий семинар ўтказилади. Уни ташкил этишдан кўзланган мақсад ўзбек тили ва адабиётини ривожлантириш орқали ёшлар ўртасида китобхонлик маданиятини кенг тарғиб этиш, ёзувчи ва ўқувчи ўртасидаги мулоқотни кучайтириш, миллий адабиётимизни дунёга кенг тараннум этишдан иборатдир.

Кўргазма давомида “Йилнинг энг яхши китоби” V республика кўрик-танловининг натижалари ҳам эълон қилинади. Унда мамлакатимиз нашриётлари бешта йўналиш бўйича китоблари билан қатнашади. Танлов ғолиблари “Ўзбекистон матбуоти” III Миллий кўргазмаси якунида ташкилотчилар томонидан тақдирланади.

**Фазлиддин АБИЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**
Шомурот ШАРАПОВ олган суратлар.

# БОЛАЛАР МАНФААТИ — ДОИМИЙ ҲИМОЯДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Мамлакатимизда БМТнинг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенцияси ижросини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2008 йил 7 январда қабул қилинган «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни мазкур ишлар кўламини кенгайтиришда муҳим дастуриламал бўлаётир.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган «Соғлом она — соғлом бола» миллий модели БМТнинг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришишнинг самарали стратегияларидан бири сифатида эътироф этилган. Юртимизда жаҳон андозалари даражасида барпо этилган бирламчи тиббий-профилактика тизими, она-бола скрининг хизмати касалликлар ва болалар ногиронлигининг олдини олиш, оилада соғлом фарзандлар туғилишини таъминлашга хизмат қилаётир.

Озиқ-овқат маҳсулотларини фойдали микроэлементлар билан бойитиш, иммунизация тадбирларини режа асосида ташкил этиш, болалар ўртасида витамин етишмаслигининг олдини олиш мақсадида саплементация тадбирларини ўтказиш, ҳомиладор аёлларга бепул поливитаминлар етказиб бериш борасида амалга оширилаётган дастур ва лойиҳалар ўз самараларини бераётир.

Ногирон болаларни жамиятга интеграциялаш, уларнинг саломатлигини яхшилаш, ижодий қобилиятини юзага чиқаришга кўмаклашиш, ҳар томонлама тиббий-ижтимоий кўмак кўрсатиш ҳам доимий эътиборда. Мамлакатимизда бу борадаги вазифаларни ҳаётга татбиқ этишда давлат ташкилотлари қатори жамоат тузилмалари ҳам фаол иш олиб бораётир.

«Ҳар бир фарзанд — меҳр ва эътиборда» мавзуида тиббий ва ижтимоий акциялар ўтказиш анъанага айланган. Инклюзив таълим тизими тобора ривожланмоқда. Таълим муассасаларида имконияти чекланган болалар соғлом тенгдошлари қаторида таълим олиши учун барча қулайликлар яратилган. Мурувват уйлари, махсус таълим ва соғломлаштириш муассасаларининг моддий-техник базаси йилдан-йилга такомиллаштирилмоқда. Ногирон фарзанд тарбиялаётган оилаларга манзилли ижтимоий ёрдам кўрсатиш тизими шакллантирилган.

Тадбирда мамлакатимизда оналик ва болаликни муҳофазалаш, имконияти чекланган болаларни қўллаб-қувватлаш, бу борадаги қонуний асосларни янада такомиллаштириш, дунё болаларининг аҳволига оид глобал ҳисоботда илгари сурилган долзарб вазифаларни ҳаётга татбиқ этишда давлат, жамоат, халқаро ташкилотлар ва оммавий ахборот воситалари ҳамкорлигини кучайтириш юзасидан фикр алмашилди.

**Б. ХИДИРОВА,**
**ЎзА мухбири.**

# Муносиб номзодлар сайланмоқда

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

**Қорақалпоғистон Республикаси** бўйича 401 нафар фуқаролар йиғини раиси ва уларнинг 3600 нафардан ортиқ маслаҳатчиларини сайлаш режалаштирилган бўлиб, ўтган даврда бу борада кенг қамровли ишлар амалга оширилди. Аввало, барча фуқаролар йиғинларида ишчи гуруҳлар ташкил этилиб, уларнинг таркибига 400 га яқин халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлари киритилди. Айни пайтда сайловлар қонун талабларига мувофиқ ўтказилмоқда.

Ана шундай сайловлардан бири Нукус шаҳридаги 30-сонли маҳалла фуқаролар йиғинида бўлиб ўтди. Ишчи гуруҳ раҳбари А. Хожаназаров бошқарган тадбирда кўп овозга эга бўлган, бир қатор масъулиятли вазифаларда ишлаб, катта тажриба тўплаган Қ. Узоқов маҳалла фуқаролар йиғини раиси этиб сайланди. Раис маслаҳатчилари лавозимларига ҳам муносиб номзодлар, келгусида уларнинг фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссияларга раҳбарлик қилишини ҳисобга олган ҳолда танлаб олинди.

Амударё туманидаги “Қангли” овул фуқаролар йиғини ҳудудидаги “Қумёп” маҳалла фуқаролар йиғинида бўлиб ўтган сайловда 45 нафар вакил қатнашди. Маҳалла фуқаролар йиғини раиси лавозими учун кўрсатилган номзодлар орасида энг кўп овоз олган Н. Ўрозимбетов ғолиб бўлди. Унинг 8 нафар маслаҳатчиси ҳам муқобиллик асосида саралаб олинди. Тумандаги “Дўрман”, “Қараман”, “Бўзсолма”, “Холимбег” овул фуқаролар йиғинларида ҳам сайловлар демократик тамойиллар асосида ташкил этилди.

— Бу галги фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови янгича ташкилий-ҳуқуқий шароитда ўтаётгани билан эътиборлидир, — дейди сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи Қорақалпоғистон Республикаси комиссияси раиси О. Ҳамроев. — Аниқроқ айтадиган бўлсак, мазкур тадбирлар янги таҳрирда қабул қилинган “Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида”ги Қонун талаблари асосида бўлиб ўтмоқда. Албатта, бу маҳалла институтини бугунги талаб даражасида ривожлантириш, унинг жамият ҳаётида тутган ўрни ва аҳамиятини янада оширишга хизмат қилади.

**Бухоро вилоятида** 550 та фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи бўлиб, фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловига пухта ҳозирлик кўрилди. Жойлардаги ишчи гуруҳлар томонидан йиғин раиси лавозимларига номзодлар ўша ҳудудда истиқомат қилувчи аҳолининг фикрини инобатга олган ҳолда кўрсатилиши таъминланди. Саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ, сайловлар ошкоралик асосида ўтаётир.

Вобкент туманидаги “Косари” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида 4 та қишлоқ бор. Бу ерда 2700 нафар аҳоли истиқомат қилади. Уларга даставвал сайловлар, унинг аҳамияти хусусида тушунчалар берилди. Бунда сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказиш бўйича ишчи гуруҳ аъзолари алоҳида фаоллик кўрсатишди.

— Аҳолига фуқаролар йиғинларига сайловлар муҳим ижтимоий-сиёсий тадбир эканини атрофлича тушунтирдик, айни чоғда уларнинг фикрлари ҳамда таклифларини инобатга олдик, — дейди ушбу ишчи гуруҳ раҳбари Ш. Қурбонов. — Шундан сўнг бевосита сайловда иштирок этиш ваколатига эга бўладиган вакиллар сайланди. Ишни ошкоралик тамойили асосида ташкил этишимизнинг яна бир ижобий самараси сайлов муқобиллик асосида ўтганида яққол намоён бўлди. Дарвоқе, йиғин раислигига уч нафар номзод ҳам фуқаролар фикрларидан келиб чиқиб кўрсатилганлигини таъкидламоқчиман.

Сайлов чоғида номзодлар ўзларининг келгуси фаолият дастурларини эълон қилишди. Ушбу дастурлар маҳаллада тотувлик ва меҳр-оқибатни мустаҳкамлаш, ёшларни она-Ватанга, миллий қадриятларимизга садоқат руҳида тарбиялаш, ҳудудда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга кўмаклашиш, аҳоли бандлигини таъминлаш каби устувор масалалар қамраб олингани билан барчада илиқ таассурот қолдирди. Очиқ овоз бериш тартибида ўтган сайловда 41 вакилдан 37 нафарининг овозини олган Р. Асадов фуқаролар йиғини раиси этиб сайланди. Унинг 9 нафар маслаҳатчиси ҳам очиқлик ва ошкоралик тамойиллари асосида саралаб олинди.

**Хоразм вилоятида** ўтказилаётган сайловларда ҳам бугунги кун нафасини юракдан ҳис қиладиган, ислоҳотларни амалга оширишда фаол қатнашадиган, жонкуяр, фидойи, билимдон ва ташаббускор фуқароларни номзод сифатида кўрсатиш ва уларнинг орасидан энг муносибларини сайлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Вилоятдаги мавжуд 595 та фуқаролар йиғинининг 228 тасида ўтказилган сайловлар ана шу мезонлар асосида ташкил этилди.

— Аввало, сайловларга пухта ҳозирлик кўрилганини айтиш зарур, — дейди фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи Хоразм вилояти комиссияси раиси F. Жуманиязов. — Жумладан, фуқаролар йиғинларида ташкил этилган ишчи гуруҳлар бинолар, транспорт ва алоқа воситалари ҳамда зарур адабиётлар билан тўла таъминланди. Бу эса сайловларнинг қонунийлик асосида ўтказилиши учун замин ҳозирлади, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Умуман, юртимизнинг барча ҳудудларида фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови ошкоралик, муқобиллик ва тенг сайлов ҳуқуқи принциплари асосида ўтказилмоқда. Бу эса фуқаролар йиғинларининг мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар жараёнидаги иштироки ва ролини янада кучайтиришда, кучли фуқаролик жамиятини қарор топтиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

**Вилоят мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.**

# ЖАҲОН 24 соат ичида

*Жанубий Кореянинг “Samsung” компанияси яқиндагина “Galaxy Gear”, деб номланган “ақлли” соатларини кенг омма эътиборига ҳавола қилган эди.*




## Қизиқиш ортиб бормоқда

“Reuters” ахборот агентлиги хабарига кўра, қисқа вақт ичида ана шу маҳсулотдан 800 мингта сотилган. Истеъмолчилар ўртасида қизиқишнинг ортишига “Galaxy Gear” савдога чиқарилган дастлабки кундаёқ ундан 50 мингта харид қилингани сабаб бўлган.

Айтиш жоизки, “Android” операцион тизими билан ишлайдиган ушбу мўъжаз технология ҳам бежирим, ҳам қўлга қулай қилиб яратилган. Унда энг сўнгги русумдаги смартфонларнинг деярли барча функциялари мавжуд. Жумладан, мазкур соат ёрдамида қўнғироқларни амалга ошириш, суратга олиш ёки видеотасвирга тушириш мумкин. Батареяси бир марта қувватлантирилганда 27 соатгача хизмат кўрсатади. “Galaxy Gear”га буйруқларни овоз орқали ҳам берса бўлади.

## Акциядорларга ҳам маъқул

*Шу йилнинг сентябрь ойида “Microsoft” корпорацияси (АҚШ) “Nokia” компанияси (Финляндия)нинг мобиль телефонлари ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи бўлимлари ҳамда патентларини сотиб олиш юзасидан ўзаро келишувга эришганини хабар қилганди.*

“Nokia” акциядорларининг Хельсинки шаҳрида ўтказилган навбатдан ташқари мажлисида ана шу масала муҳокама қилинди. Директорлар кенгаши аъзолари йиғилганларга ушбу савдонинг сабаблари ва аҳамиятини атрофлича тушунтириб беришди. Шундан сўнг акциядорларнинг 99 фоизи олди-сотди битимини амалга оширишга рози эканлигини билдирди.

7,2 миллиард долларга баҳоланган келишув шартномасини 2014 йилнинг биринчи чораги якунигача имзолаш режалаштирилган.

## Тошқин келтирган ташвиш



*Италиянинг Сардиния оролида рўй берган сув тошқинлари жиддий талафотларга сабаб бўлди.*

“Евроньюс” телеканали хабарига кўра, 16 киши ҳаётдан кўз юмган, бир киши бедарак йўқолган. Уч мингга яқин одамнинг уйига зарар етган. Шунингдек, 10 минг нафардан ортиқ аҳоли вакиллари электр таъминотидан узилиб қолган.

Айни кунларда ҳудудни тозалаш, тартибга келтириш ишлари олиб борилаяпти. Бу тадбирларга ҳарбийлар ҳам жалб этилган. Италия бош вазирининг таъкидлашича, тошқин оқибатларини бартараф этиш учун Сардинияга 20 миллион евро миқдорида маблағ ажратилади.

## Олтин «дарахт»

*Токиода “Tanaka Kikinzoku” заргарлик компанияси томонидан қиймати 500 миллион иена (қарийб 4,9 миллион АҚШ доллари)га тенг бўлган олтин арча сотувга қўйилди.*

2,4 метрли ушбу ноёб “дарахт”ни тайёрлашга 43 килограмм қимматбаҳо металл ишлатилган, дейилади “Франс-Пресс” агентлиги хабарида. У 25 декабргача харидорларга таклиф қилинади.

Шунингдек, компания дўконида тилла ва кумушдан тайёрланган, қиймати 1,62 млн. иеналик кичик арча ҳам сотилмоқда. Унинг бўйи 20 сантиметрдан иборат.



## Ҳал қилувчи палла

*Ҳиндистонда мезбон давлат вакили Вишванатан Ананд ҳамда норвегиялик Магнус Карлсен ўртасида шахмат бўйича жаҳон чемпионлиги учун ўтказилаётган баҳс ҳал қилувчи паллага кирди.*

Ҳозиргача якунланган саккиз партиянинг олтитасида томонлар дурангга имзо чеккан бўлса, иккита ўйинда 22 ёшли Магнуснинг қўли баланд келди. Умумий ҳисоб — 5:3. Норвегиялик шахматчи яна 1,5 очко йиғишнинг уддасидан чиқса, бу уни ғолиб, деб эълон қилиш учун кифоя бўлади.

Бугун тўққизинчи турга старт берилади. Чемпион номи 12 партияда аниқланади. Агарда шунда ҳам очколар тенг келиб қолса, регламентга кўра, тай-брек ўтказилади.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***



● **Реклама ва эълонлар** ●

**«KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ**

**Жиззах вилояти филиали**

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

**1.** Аукцион савдосига Зарбдор тумани СИБ томонидан Жиззах вилояти хўжалик судининг 2010 йил 25 мартдаги 13-1004/6375-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Фарҳод ва Кичик ҳалқа йўли кўчаларида жойлашган, «Зарбдор Элеватор» АЖга қарашли савдо ва маиший хизмат кўрсатиш биноси такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 824 257 753 сўм.***

**2.** Аукцион савдосига Зарбдор тумани СИБ томонидан ЖИБ Тошкент вилояти судининг 2009 йил 21 январдаги 2-184-09-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Шукур Бурҳонов кўчасида жойлашган, «Зарбдор Элеватор» АЖга қарашли 59-«А» уй такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 462 572 184 сўм.***

Аукцион савдоси 2013 йил 6 декабрь куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2013 йил 4 декабрь куни соат 18.00.

Аукцион савдосига қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko‘chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Жиззах вилояти филиалининг АТИБ «Ипотека-банк» Жиззах вилояти филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 22626000804920609001, МФО: 00122, СТИР: 207122519.

**Савдо ўтказиладиган манзил:**
**Жиззах шаҳри, Шароф Рашидов кўчаси, 39-уй.**
**Телефон: (8-372) 222-34-16. www.1kms.uz**

1924R/1453

***Лицензия: RR-0001.***

**«KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ**

**Сирдарё вилояти филиали**

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.***

**1.** Аукцион савдосига Гулистон шаҳар СИБ томонидан Сирдарё вилояти хўжалик судининг 2013 йил 5 июлдаги 12-1212/7876 (11)-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Мирзаобод тумани, «Меҳнатобод» ҚФЙ, «Т. Аҳмедов» СИУда жойлашган, умумий майдони 102000,0 кв.м.дан иборат қурилиши тугалланмаган бетон сарой биноси қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 211 750 514 сўм.***

Аукцион савдоси 2013 йил 24 декабрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2013 йил 20 декабрь куни соат 18.00.

**2.** Аукцион савдосига Гулистон тумани СИБ томонидан ЖИБ Тошкент шаҳар Юнусобод тумани судининг 2013 йил 12 апрелдаги 1-110/13-сонли ажримига асосан хатланган, Гулистон тумани, «Мирзо Улуғбек» ДФХУ ҳудудида жойлашган, умумий қурилиш майдони 973,0 кв.м., умумий фойдаланиш майдони 889,0 кв.м., умумий ер майдони 2205,0 кв.м. бўлган чойхона-тўйхона биноси арзонлаштирилган ҳолда такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 414 988 237 сўм.***

Аукцион савдоси 2013 йил 10 декабрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2013 йил 6 декабрь куни соат 18.00.

Кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko‘chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Сирдарё вилояти филиалининг ДАТ (ОАЖ) «Асака» банки Сирдарё филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609006, МФО: 00373, СТИР: 207122519.

**Манзил: Гулистон шаҳри,**
**«Бизнес маркази» биноси, 3-қават, 58-хона.**
**Телефон: (8-367) 226-38-91. www.1kms.uz**

1923R/1453

***Лицензия: RR-0001.***

**«KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ**

**Сурхондарё вилояти филиали**

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

Аукцион савдосига Термиз шаҳар СИБ томонидан ФИБ Термиз туманлараро судининг 2013 йил 24 октябрдаги 1-3429-2013-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Термиз шаҳри, Т. Мирзаев кўчаси, 134-уйда жойлашган, умумий майдони 458,0 кв.м. бўлган, бир қаватли, 3 хонадан иборат, 1997 йилда қурилган тураржой қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 28 000 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2013 йил 24 декабрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2013 йил 20 декабрь куни соат 18.00.

Кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko‘chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Сурхондарё вилояти филиалининг ХОАББ «Трастбанк» Термиз шаҳар филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000004920609027, МФО: 01063, СТИР: 207122519.

**Савдо ўтказиладиган манзил: Сурхондарё вилояти,**
**Термиз шаҳри, «Тадбиркорлар маркази» биноси,**
**2-қават, 6-хона.**
**Телефон: (8-376) 221-77-94. www.1kms.uz**
**rieltsavdo@inbox.uz**

1925R/1453

***Лицензия: RR-0001.***

**«SN INVEST» компанияси**

**қуйидагиларни етказиб беради:**

- ғўзапоя ўрадиган комбайн
- ўт ўрадиган комбайн
- макка ўрадиган комбайн
- жўхори йиғувчи комбайн
- КИР 1,5 ўт майдалаш мосламаси
- пресслайдиган мослама
- сомон йиғувчи мосламалар
- тракторлар
- боғ ва ферма учун тракторлар
- гусеницали тракторлар
- картошка терадиган комбайн
- картошка экадиган комбайн
- буғдой экадиган сеялка
- дори сепадиган мосламалар
- сачратиб суғорувчи мосламалар
- ем майдалаб тарқатувчи техника
- культиваторлар
- плуг, айланма плуг, дискали плуг
- юкловчи экскаватор, бульдозер



*Маҳсулот сертификатланган.*

**Tel.: (+99871) 150-58-58, 150-69-69. www.sninvest.uz E-mail: info@sninvest.uz**

87R/43

**«Respublika mulk markazi» ЁАЖ**

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.**

***Аукцион савдосига Тошкент вилояти прокуратурасининг 2013 йил 7 ноябрдаги 375-сонли буйруғи ва 2013 йил 18 ноябрдаги 27-167-сонли буюртманомасига асосан, Тошкент вилояти прокуратураси балансидаги, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, «Ц» мавзеси, прокуратура биноси ҳудудида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:***

**1.** «ВАЗ-21074045» русумли, 2003 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/973 НВА.

***Бошланғич баҳоси — 10 805 342 сўм.***

**2.** «Nexia DOHC» русумли, 2003 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10/816 YAA.

***Бошланғич баҳоси — 18 914 367 сўм.***

**3.** «Nexia DOHC» русумли, 2003 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10/817 YAA.

***Бошланғич баҳоси — 19 193 767 сўм.***

**4.** «Nexia DOHC» русумли, 2003 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10/819 YAA.

***Бошланғич баҳоси — 19 504 212 сўм.***

**5.** «Nexia DOHC» русумли, 2003 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10/820 YAA.

***Бошланғич баҳоси — 18 883 322 сўм.***

Аукцион савдоси 2013 йил 24 декабрь куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2013 йил 20 декабрь куни соат 18.00.

Автотранспорт воситалари 2013 йил 24 декабрь куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдолар 2013 йил 31 декабрь ва 2014 йил 7 январь кунлари соат 11.00 да ўтказилади. Аризаларни қабул қилиш: 2013 йил 31 декабрдаги такрорий савдолар учун — 27 декабрь куни соат 18.00, 2014 йил 7 январдаги савдолар учун — 3 январь куни соат 18.00 да тўхтатилади.

Савдо ғолибига 10 иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 30 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини ОАИТБ «Ипак йўли» банки «Сағбон» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20210000300571452114, МФО: 01036, СТИР: 200933850.

**Савдо ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А» уй.**
**Телефон: (8-371) 228-79-52.**

1922A/1452

***Гувоҳнома № 006231.***

**«KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ**

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.***

Аукцион савдосига «Sovplastital» ОАЖ Кузатув кенгашининг 2013 йил 12 июлдаги 6-сонли йиғилиши қарорига асосан, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, 20-мавзе, Катта қаъни кўчаси, 35-«А» ва 35-«Б» уйларда жойлашган, умумий майдони 7636,0 кв.м. бўлган, А, Б, В, Г, Д, Е, И, Ж блоклардан иборат бино-иншоотлар қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 5 371 371 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2013 йил 23 декабрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2013 йил 20 декабрь куни соат 18.00.

Юқоридаги кўчмас мулклар 2013 йил 23 декабрь куни сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдолари 2013 йил 30 декабрь, 2014 йил 6 январь ва 13 январь кунлари соат 11.00 да бўлиб ўтади. Такрорий савдолар учун аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2013 йил 30 декабрдаги савдо учун — 27 декабрь, 2014 йил 6 январдаги савдо учун — 3 январь, 13 январдаги савдо учун — 10 январь кунлари соат 18.00.

Аукцион савдосида қатнашиш учун ариза билан биргаликда қуйидагилар тақдим этилади: юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг савдода қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ишончнома. Жисмоний шахслар учун — паспорт нусхаси, шунингдек, савдода тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ишончнома.

Аукцион савдоси ғолибига 10 иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Сотувчи томонидан кўчмас мулклар учун тўловлар амалга ошириш муддати олди-сотди шартномаси тузилганда белгиланади.

Талабгорлар объект бошланғич баҳосининг бир фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини ОАИТБ «Ипак йўли» банки «Сағбон» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609114, МФО: 01036, СТИР: 207122519.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани,**
**1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А» уй.**
**Телефон: (8-371) 228-80-26.**
**www.1kms.uz**

1926A/1453

*Лицензия: RR-0001.*

**«Universal auktsion invest» МЧЖ Сурхондарё вилояти филиали**

***такрорий аукцион савдоларига таклиф этади.***

2013 йил 10 декабрь куни соат 11.00 да бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган аукцион савдосига қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: Олтинсой тумани СИБ томонидан Сурхондарё вилояти хўжалик судининг 2013 йил 9 апрелдаги 19-1301/2986-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Олтинсой тумани, «Шароб савдо база» унитар корхонасида сақланаётган, 2009 йилда ишлаб чиқарилган, «Matiz DLX» русумли, давлат рақами 75 436 ВАА.

***Бошланғич баҳоси — 19 265 278 сўм.***

Денов тумани СИБ томонидан Сурхондарё вилояти хўжалик судининг 2012 йил 5 ноябрдаги 19-1107/11087-сонли, 2012 йил 30 декабрдаги 19-1201/19362-сонли, 2012 йил 11 июлдаги 19-1201/9023-сонли, 2012 йил 4 июндаги 19-1208/6908-сонли, 2012 йил 30 июлдаги 19-1203/9988-сонли, 2012 йил 8 октябрдаги 19-1206/13939-сонли, 2012 йил 8 октябрдаги 19-1206/13941-сонли, 2010 йил 31 январдаги 19-1007/18946-сонли, 2012 йил 11 июндаги 19-1208/6737-сонли, 2011 йил 4 июлдаги 19-1106/5329-сонли ва 2012 йил 13 августдаги 19-1208/8145-сонли ижро варақаларига асосан хатланган, Денов тумани ИИБ ДЙҲХХ жарима майдончасида сақланаётган, 2010 йилда ишлаб чиқарилган, «ГБА СНГ ЛАСЕТТИ BDC» русумли, давлат рақами 75 414 САА, техник соз.

***Бошланғич баҳоси — 32 654 620 сўм.***

Олтинсой тумани СИБ томонидан ЖИБ Денов тумани судининг 2013 йил 28 майдаги 1-43-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Олтинсой тумани суди ҳовлисида сақланаётган, 1989 йилда ишлаб чиқарилган, «ВАЗ-21061» русумли, давлат рақами 19 М 4126, техник носоз.

***Бошланғич баҳоси — 2 700 000 сўм.***

● Термиз шаҳар СИБ томонидан Термиз ҳарбий судининг 2011 йил 21 апрелдаги 15-сонли ҳукмига асосан хатланган, Термиз гарнизони ҲАНда сақланаётган, 1984 йилда ишлаб чиқарилган, «АДД ММЗ-45021» русумли, давлат рақами 19 М 0510, техник носоз.

***Бошланғич баҳоси — 7 176 615 сўм.***

● Термиз шаҳар СИБ томонидан Термиз ҳарбий судининг 2011 йил 3 июндаги 23-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Термиз гарнизони ҲАНда сақланаётган, 1984 йилда ишлаб чиқарилган, «ЗИЛ-133 ГЯ» русумли, давлат рақами 19 К 1526, техник носоз.

***Бошланғич баҳоси — 2 916 228 сўм.***

● Термиз шаҳар СИБ томонидан ЖИБ Қизириқ тумани судининг 2013 йил 18 апрелдаги 1-20-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Термиз шаҳар ИИБ ЙҲХБ жарима майдончасида сақланаётган, ишлаб чиқарилган йили номаълум, «HONDA» русумли, давлат рақамисиз, техник носоз.

***Бошланғич баҳоси — 3 682 200 сўм.***

Юқоридаги автотранспорт воситалари 2013 йил 10 декабрдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдоси 2013 йил 26 декабрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Савдога қўйилган автотранспорт воситалари билан суд департаменти вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси кунидан бир кун олдин тўхтатилади. Аукцион савдоларида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Universal auktsion invest» МЧЖ Сурхондарё вилояти филиалининг ХОАББ «Трастбанк» Термиз шаҳар филиалидаги 20208000204932168018, МФО: 01063, СТИР: 302083379 ҳисоб рақамига тўлашлари ва қуйидаги ҳужжатларни топширишлари керак: юридик шахслар давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, жисмоний шахслар паспорт нусхаси, закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати, ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома. Ихтиёрий қўшимча хизматлар учун тўлов олинади.

**Аукцион савдоларини ўтказиш ва қўшимча маълумот олиш манзили: Термиз шаҳри, «Тадбиркорлар маркази».**
**Мурожаат учун телефон: (+99893) 792-78-18.**

1927A/870

***Гувоҳнома № 004059.***

**«Тошкент труба заводи» ҚК**



**ўзида ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотади.**

***(нархлар ҚҚС билан қўшиб ҳисобланган).***



**Сув ва газ ўтказувчи қувурлар —** ГОСТ 10705-80, Ø 15 — 114 мм., баҳоси 1 тонна учун 3 250 000 сўмдан бошлаб.

**Газ ва нефть ўтказувчи қувурлар —** ГОСТ 20295-85, Ø 159 — 337 мм., баҳоси 1 тонна учун 3 500 000 сўмдан бошлаб.

**Квадрат кесимидаги пўлат қувурлар —** ГОСТ 8639-82, ўлчамлари: 20х20, 25х25, 30х30, 40х40, 50х50, 60х60, 80х80, 100х100, 150х150, 170х170.

**Тўғри бурчак кесимидаги пўлат қувурлар —** ГОСТ 8645-68, ўлчамлари: 30х20, 40х25, 50х25, 30х60, 40х60, 40х80, 50х100, 60х80, 60х100, 80х120, 80х150, 60х125. Девор қалинлиги 1,0 — 4,0 мм., баҳоси 1 тонна учун 3 100 000 сўмдан бошлаб.

Бундан ташқари, қўшма корхона «API-5L» стандарти бўйича ишлаб чиқарилаётган Ø 325 мм.дан Ø 1620 мм.гача, деворининг қалинлиги 6,0 — 24,0 мм.гача бўлган, электрпайвандланган, спирал чокли қувурларни харидорларга таклиф этади. Баҳоси — 1 тонна учун 3 950 000 сўм.

1665R/956

**МАҲСУЛОТЛАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН.**

**Телефонлар: (8-371) 241-31-72, 241-29-94. Факс: (8-371) 241-31-94.**



Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Дори воситалари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш бош бошқармаси жамоаси тиббиёт фанлари доктори, Фармакология қўмитасининг етакчи мутахассиси

**Моисей Ильич АЙЗИКОВнинг**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Тошкент врачлар малакасини ошириш институти жамоаси Онкология кафедрасининг доценти Абдулла Абдиҳакимовга падари бузруквори

**НУСРАТИЛЛА отанинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент давлат юридик университети раҳбарияти ва касаба уюшмаси қўмитаси Халқаро тижорат (хусусий) ҳуқуқ кафедраси доценти Одил Ҳазратқуловга волидаи муҳтарамаси

**Сайрамхон ҲАЗРАТҚУЛОВАнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

